

Дастлабки тергов органи ва суд томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 22-моддаси талабларига риоя этилмаганлиги сабабли суд қарорлари бекор қилиниб, жиноят иши қўшимча тергов юритиш учун қайтарилди.

Жиноят ишлари бўйича Шофиркон туман судининг 2004 йил 13 декабрдаги ҳукмига асосан Х.Ҳ. Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 2 -қисмининг «а,в,г» бандлари, ЖК 209-моддаси 2-қисмининг «а» банди, ЖК 190-моддаси 2-қисмининг «б» банди билан айбдор деб топилиб, 2004 йил 1 декабрдаги амнистия актининг 2-моддаси татбиқ этилиб, жазодан озод қилинган. А.С. ва А.У.лар Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 2 -қисмининг «а,в,г» бандлари, ЖК 209-моддаси 2-қисмининг «а» банди билан айбдор деб топилиб, 2004 йил 1 декабрдаги амнистия актининг 2-моддаси татбиқ этилиб, жазодан озод қилинганган. Р.С. Ўзбекистон Республикаси ЖК 190-моддаси 2 -қисмининг «б» банди билан айбдор деб топилиб, 2004 йил 1 декабрдаги амнистия актининг 2-моддаси татбиқ этилиб, жазодан озод қилинган.

Ушбу жиноят иши бўйича Т.А., Х.А. ҳам судланган, ишнинг И.Д., С.А., Ф.А. оид қисми суднинг 2004 йил 10 декабрдаги ажрими билан 2004 йил 1 декабрдаги амнистия актининг 6-моддаси татбиқ этилиб, ҳаракатдан тугатилган.

Жиноят ишлари бўйича Бухоро вилоят суди апелляция инстанциясининг 2005 йил 10 февралдаги ажрими билан ҳукмнинг Х.Ҳ., А.С., А.У., Р.С., Т.А.ларга тегишли қисми ўзгаришсиз қолдирилган.

Суднинг ҳукмига кўра Х.Ҳ., А.С., А.У. ва Р.С. қуйидаги ҳолатларда жиноят содир этганликда айбли деб топилганлар.

Шофиркон туман халқ таълими бўлими мудирини Х.Ҳ., шу бўлимнинг бош хисобчиси А.С., халқ таълими бўлимининг марказлашган хизмат кўрсатиш бўлими бошлиғи А.У., «Мадина-И» ишлаб чиқариш ва тижорат фирмаси бошлиғи И.Д., «Мадина-И» ишлаб чиқариш ва тижорат фирмаси иш юритувчиси, «Бинокор-Бекзодбек» ишлаб чиқариш ва тижорат фирмаси бошлиғи Т.А.лар олдиндан ўзаро жиноий тил бириктиришиб, мансаб мавқеиларини суиистеъмол қилишган ҳолда Шофиркон туман халқ таълими бўлимига қарашли 13, 27 ва 37-сонли ўрта умумтаълим мактабларида 55.000.000 сўмлик капитал қурилиш ва таъмирлаш ишларини олиб бориш тўғрисида «Мадина-И» ишлаб чиқариш ва тижорат фирмаси билан тузилган шартномага асосан, бажарилган иш ҳажми тўғрисидаги 2-шаклга 1.195.305 сўмлик иш ҳажмини қўшиб ёзиб, сохта маълумотлар тақдим этишиб, ўзганинг кўп миқдордаги - 1.195.305 сўмлик маблағини ўзлаштириш ва растрата қилиш йўли билан талон-торож қилишган.

Шунингдек, улар 37-сонли ўрта умумтаълим мактабида жами 100.000.000 сўмлик капитал қурилиш ва таъмирлаш ишларини олиб бориш тўғрисида «Бинокор-Бекзодбек» ишлаб чиқариш ва тижорат фирмаси билан тузилган шартномага асосан, бажарилган иш ҳажми тўғрисидаги 2-шаклга 658.296 сўмлик иш ҳажмини қўшиб ёзиб, сохта маълумотлар тақдим этишиб, ўзганинг 658.296 сўмлик маблағини ўзлаштириш ва растрата қилиш йўли билан талон-торож қилишган.

Бундан ташқари, Шофиркон туман халқ таълими бўлими мудирини Х.Ҳ. ва смета тузиш фаолияти билан шуғулланишга лицензияси бўлмаган, Шофиркон туманидаги яқка тартибдаги уй-жой қурилиш бошқармаси бошлиғи Р.С. 37-сонли ўрта умумтаълим мактабида капитал қурилиш ишларини олиб боришнинг лойиҳа-сметасини тузиш тўғрисида шартномани

тасдиқлашиб, шу асосда бошқарма ҳисоб рақамига 250.000 сўм пул маблағини кўчириб бериб, яроқсиз лойиҳа-смета туздиришган.

Дастлабки тергов органи ва суд томонидан ушбу жиноят ишини тергов қилиш ва судда кўриш жараёнида Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 22-моддаси талабларига риоя этилмаган. Иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилмаган. Судланувчиларни ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган ҳолатларни аниқлаш чоралари кўрилмаган.

Натижада ЖПКнинг 82-моддасида назарда тутилган ва ҳукм қилиш учун асос бўлиб ҳисобланадиган содир этилган жиноятнинг тўлиқ доираси, тафсилотлари, усули, жиноятнинг сабаблари ва мақсадлари тўлиқ аниқланмаган.

Жиноят иши материалларига ва аниқланган ҳолатларга қараганда 13, 27,37-сонли ўрта умумтаълим мактабларида капитал қурилиш ва таъмирлаш ишларини бажариш тўғрисида тузилган шартнома бўйича «Мадина-И» фирмаси 33.887.042 сўмлик ишлар бажарилганлиги ҳақида Ф-2 шаклни тақдим этган. Туман халқ таълими бўлими томонидан «Мадина-И» фирмасига тўлов топшириқномаси асосида жами 31.000.000 сўм пул маблағи кўчирилган.

Худди шу тарзда 27-сонли ўрта умумтаълим мактабида капитал қурилиш ва таъмирлаш ишларини бажариш тўғрисида тузилган шартномага асосан «Бинокор-Бекзодбек» фирмаси 18.203.246 сўмлик ишлар бажарилганлиги ҳақида туман халқ бўлимига Ф-2 шаклни тақдим этган. Бироқ, бу ҳужжатлар бўйича пул маблағи ўтказилмаган.

Суд қурилиш-техник экспертизаси «Мадина-И» фирмаси томонидан бажарилган ишлар ҳажмига 1.195.305 сўм кўшиб ёзилганлиги, «Бинокор-

Бекзодбек» фирмаси томонидан бажарилган ишлар ҳажмига 658.296 сўм қўшиб ёзилганлиги ҳақида хулоса берган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 21 майдаги «Жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги қонунни иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга нисбатан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида» ги қарорининг 5 бандида ҳукм тахминларга асосланиши мумкин эмаслиги, шу туфайли моддий қимматликлар камомади фактининг ўзи, агар унинг сабаблари тергов ва суд томонидан аниқланмаган бўлса, талон-торож қилиш жинояти сифатида баҳоланиши мумкин эмаслигини судлар назарда тутишлари кераклиги, шахсни ўзганинг мулкани талон-торож қилишда (ЖК 167-моддаси) айбдор деб топиш учун бу мулк айбдор томонидан ўз фойдасига ёки бошқа шахслар фойдасига қаратилганлигини тасдиқловчи аниқ фактларга асосланмоқ зарурлиги кўрсатилган.

Жиноят иши бўйича тўпланган далилларга қараганда, ушбу жиноят иши бўйича Х.Ҳ., А.С. ва бошқалар томонидан содир этилган қилмиш билан рўй берган ижтимоий хавфли оқибатлар ўртасида сабабий боғланиш мавжудлиги етарли далиллар билан исботланмаган.

Ф-2 ҳужжатларига қўшиб ёзиш оқибаотида олиними лозим бўлган пул маблағлари ёки қурилиш материалларини ўзлаштириш ёки растрата қилиш ҳақида кимлар, қачон, қай вазиятда ўзаро жинойий тил бириктирганликлари, қўшиб ёзилган маблағлар ёки материаллар ким томонидан, қачон, қаерда ва қандай усулда талон-торож этилганлиги иш бўйича аниқланмаган.

Ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли билан қўлга киритилган маблағлар ёки қурилиш материаллари қандай (омонатга қўйган, тўй қилган, автомашина сотиб олган, уй қурган ва ҳ.к. йўл билан) тасарруф этилганлигини аниқлаш чоралари кўрилмаган.

Шунингдек, тергов органи томонидан Х.Ҳ.нинг Р.С. раҳбар бўлган якка тартибдаги уй-жой қурилиш бошқармасининг лойиҳа-смета тузиш учун лицензияси бўлмаганлигини билмаганлиги ҳақидаги важларини асоссизлигини тасдиқловчи далиллар тўпланмаган.

Х.Ҳ., А.С. ва бошқалар томонидан келтирилган важлар тергов органи томонидан батафсил текширилмаган.

Шартнома асосида бажарилган ишлар бўйича дастлабки ва энг охириги ҳисоб-китоб ишлари қачон ва қандай ҳолатларга асосланиб амалга оширилиши лозимлиги аниқланмаган.

Шу сабабли Олий суд раисининг биринчи ўринбосари томонидан киритилган протест асосида жиноят ишлари бўйича Бухоро вилоят суди раёсати барча суд қарорларини бекор қилиб, жиноят ишини қўшимча терговга юборди.

ЖСҲ-173-05